

12-25-2018

# THE DIFFIRENTIATION OF UNIVERSAL LEXEMES IN THE POETRY OF JOMI AND NAVAI

Tavakkal Ravshanovich Choriyev Tavakkal Ravshanovich  
*Professor at Primary education department, Bukhara state university, Candidate of philological sciences*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu>

---

### Recommended Citation

Choriyev Tavakkal Ravshanovich, Tavakkal Ravshanovich (2018) "THE DIFFIRENTIATION OF UNIVERSAL LEXEMES IN THE POETRY OF JOMI AND NAVAI," *Scientific reports of Bukhara State University*: Vol. 1 : Iss. 5 , Article 4.  
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu/vol1/iss5/4>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific reports of Bukhara State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [brownman91@mail.ru](mailto:brownman91@mail.ru).

УДК 808.1

**ЖОМИЙ ВА НАВОИЙ ШЕЪРИЯТИДА УЧРАЙДИГАН МУШТАРАК ЛЕКСЕМАЛАРДА ДИФФЕРЕНЦИАЦИЯ****ДИФФЕРЕНЦИАЦИЯ УНИВЕРСАЛЬНЫХ ЛЕКСЕМ В ПОЭЗИИ ДЖАМИ И НАВОИ****THE DIFFERENTIATION OF UNIVERSAL LEXEMES IN THE POETRY OF JOMI AND NAVAI****Choriyev Tavakkal Ravshanovich***Professor at Primary education department, Bukhara state university, Candidate of philological sciences***Таянч сўзлар:** лексема, сўз, муштарак, дифференциация, лингвопоэтика, маъно, нутқ услублари.**Ключевые слова:** лексема, слова, универсалии, денотативность, дифференциация, лингвопоэтика, значение, разговорный стиль.**Key words:** lexeme, word, universals, denotation, differentiation, meaning, speech styles.*Ушбу мақолада Жомий ва Навоий шеъриятида учрайдиган муштарак лексемаларнинг дифференциацияси луғавий-маъновий, морфемик, нутқий бўёқдорлик жиҳатдан таҳлил этилган.**В статье на основе анализа лирики А.Навои и А.Джами дан анализ дифференциальных универсальных лексем, рассмотренных в лексико-денотативном, морфемном и речевом аспектах.**The article analyzes the differentiation of universal lexemes in the poetry of Jomi and Navai from lexical denotative, morphemic and speech aspects.***Кириш.** Лотинча “differens//differentia” сўзларидан юзага келган “дифференциация” атамаси ҳозирги тожик ва ўзбек адабий тилларида “фарқ кунанда”, “айирма” маъноларини англатади. Иккала тилнинг лексик қатламида учрайдиган “дифференциал”, “дифференцияламоқ”, “дифференциация” таркибида “дифферен” сўзи ўзақдош вазифасини бажарган. “Дифференциал” атамаси математика илмида “эркин ўзгарувчан миқдорнинг чексиз кичик ихтиёрий орттирмаси” маъносини, бироқ “таъриф”, “рента”, “геометрия”, “ёндашиш”, “топмоқ”, “ҳисоблаб чиқмоқ” лексемалари билан биргаликда “дифференциал таъриф”, “дифференциал рента”, “дифференциал геометрия”, “дифференциал ёндашиш”, “дифференциал топмоқ”, “дифференциал ҳисоблаб чиқмоқ” тарзида қўлланилса, унда турли хил илмий фараз ва қарашларни ифодалайди.**Асосий қисм.** А.Мадвалиев таҳрири остида “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти томонидан чоп этилган “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “дифференциал” сўзи юқорида таъкидланган маънода ҳамда “ҳар хил шароитда турлича юз берадиган, бир хилда турмайдиган; фарқли, тафовутли”, “дифференциация” сўзи “бир бутун нарсанинг турли хил қисмларга, шаклларга, босқичларга ажралиши, бўлиниши, табақаланиши; бутун қисмларини ўзаро фарқлаш, ажратиш, табақалаш”, “дифференцияламоқ” сўзи “бирор нарсани ўрганишда унинг таркибий қисмларини бир-биридан фарқламоқ; шу нарсани табақаларга, таркибий қисмларга ажратмоқ” маъноларида изоҳланган [1]. “Луғати термин ҳоизабоншиносӣ”да уч маънода – “Ҳар хел навиштани шаклҳои айнан яккалима” (Биргина сўзни турли хил шаклда ёзиш): дурр – дур, зарр – зар, бурридан – буридан, марғзор – марғузор (биринчи маъно), “тақсимооти семантикӣ – стилистики и лексика ва маънои калимаҳои алоҳида” (Алоҳида сўзларнинг семантик-стилистик, луғавий-маъновий таснифлаш),

## SOCIAL AND BEHAVIORAL SCIENCES: LINGUISTICS

иккинчи маъно, “яке аз хусусиятҳои эволюцияи забон, ки дар натиҷаи он як шева аз шеваҳои дигар ҷудо шуда, барои ба забони мустақил табдил ёфтани кӯшиш мекунад”(Тил тадрижий ривожланганлиги боис шеваларда ўзгариш кузатилади) учинчи маъно [2].

Жомий ва Навоий шеъриятида муштарак лексемаларнинг дифференциацияси, биринчидан, тожик ва ўзбек адабий тилларининг фонетик, орфографик меъёрлари талаби асосида нутқий диксия миллийлигини а, о, у, ў, и, э унли товуш ва ҳарфлар мисолида ошкор этганлигига, иккинчидан, икки тилнинг адабий тилида бир хил луғавий-грамматик маънони ифодаловчи ўзлашма сўзларни яхлит кўринишда танлаганлиги ва уларни ўринли қўллаганлигига, учинчидан, бадиий ижод ва услубдаги ранг-барангликнинг барқарорлигига, тўртинчидан, бадиий-тасвир воситаси сифатида турли хил мақсадларни баён этишда фойдаланганлигида намоён бўлади. Модомики шундай экан, юқорида баён этилган дифференциация ҳодисасини Жомий ва Навоий шеъриятидан танланган муштарак лексемалар ёрдамида ойдинлаштиришга ҳаракат қиламиз.

Жомий ва Навоий ижодида бир хил луғавий-грамматик маънони ифодаловчи ўзлашма муштарак лексемаларнинг дифференциацияси араб, форс тилларидан тожик ва ўзбек адабий тилларига кириб, сўзлашув ва бадиий услубларда қўлланилган, умумистеъмом доирасида бўлган ўзқдош сўзларнинг иккинчи компоненти, ёхуд учинчи компонентига янги сўз қўшилганлиги, танлаганлиги намоён бўлади. Қуйида келтирилган мисоллар ва уларнинг изоҳи фикримизни илмийлигини собит этади.

“**Анбар**” сўзи. Ушбу сўзнинг этимологияси араб тилига бориб тақалади. Тожик ва ўзбек адабий тилларининг сўзлашув ва бадиий услубларида “хуш исли нарсалар аралашмасидан тайёрланган хушбўй қора модда, хушбўйлик”ни, “хотин-қизлар исми”ни, этнографик истилоҳ сифатида “эркаклар тобутининг тўрт бурчига тик қоқилган таёқларга ўралган газлама, сурп; шунингдек, аёллар тобутининг тепасига ишқом тарзида эгиб ўрнатилган тол ёғочлари устига ёпилган малла бўз” [1] маъноларини ифодалайди. Жомий ва Навоий ижодида “анбар” сўзи асл маънода хушбўйликни, хуш исли нарсани, мажозий маънода қора зулф маъноларини англатган. Араб, форс, турк, тожик тилларининг лисоний имкониятларини мукамал ва обдон билган мавлоно Жомий ва Навоий “анбар” сўзига янги ва нотақрор сўзларни илова қилиб, композицион қўшма сўз пайдо этиш усули билан бадиий услубнинг тадрижий риволанишига ҳамда тожик ва ўзбек тилларининг лексик қатламлари турли компонентли қўшма сўзлар билан бойитишга ибратли фаолият олиб борганликларидан нишонадир. Эзгу мақсадларнинг натижаси сифатида Жомий ўз ижодида “анбар” сўзи ёрдамида 12 та сўз, жумладан, анбарин, анбарафшон//анбарфишон, анбарбез, анбарбор, анбарбўй, анбаринбўй, анбаринтавқ, анбаринтуз, анбарогин, анбаромез, анбаршамим сўзларини, Навоий эса 9 та сўз, яъни анбарин, анбарафшон, анбарбез, анбарбор, анбаролуд, анбарсиришт, анбарсо// анбарсой, анбаршамим каби лексемаларни қўллаган. Мажозий, рамзий маънолари ифодаси учун анбари ноб, анбари тар, чаъди анбарфишон, доми анбарин, мўи анбарин, гесўи анбарфишон (Жомий ижодида), анбари соро (Навоий ижодида) форс-тожик тилларига хос бўлган изофали бирикмалар ёрдамида ҳамда анбарафшон айламак, анбарин афъи, анбарин дуд, анбарин зулф, анбарин ҳилол (Навоий ижодида) турк (ўзбек) тилига алоқадор бўлган сўз бирикма қўллаш усулларини тажриба мисолида равшан этиб, мазкур фаолият орқали нуқтнинг бадиийлиги ва бўёқдорлигини оширишга муяссар бўлган.

Тожик ва ўзбек адабий тили лексик меъёри имкониятларига кўра “афшон//фишон”, “бор”, “бўй”, “бар”, “барин”, “без”, “омез”, “туз”, “тавқ” “шамим”, “сиришт”, “со//сой”, “олуд”, “ин”, “гин” сўзлари алоҳидаликка маъно ифодалаш жиҳатидан ранг-барангликка эга. Жомий ва Навоий ижодидаги ушбу сўзлар “анбар” сўзига қўшилиб, анбарин, анбарафшон//анбарфишон, анбарбез, анбарбор, анбарбўй,

## SOCIAL AND BEHAVIORAL SCIENCES: LINGUISTICS

анбаринбўй, анбаринтавқ, анбаринтуз, анбарогин, анбаромез, анбаршамим, анбаролуд, анбарсиришт, анбарсо//анбарсой шаклида муштарак ифодалар, яъни **хушбўй, хуш ҳид, муаттар** маънолари билан лирик тасвирнинг бадиийлигини ҳамда образли нутқнинг эмонционал-экспрессивлигини оширишга асосий лексема ва тушунча сифатида хизмат қилган.

Нағўла баст мўи **анбаринро**,  
Гиреҳ дар якдигар зад мушки Чинро,  
(Жомий)

Ба соле гар шаби қадрест, дар як маҳ ду шоми қадр,  
Бувад аз гесувони **анбарин** рўи чу моҳатро.  
(Навоий)

Шавад аз гарди доманаш муаттар,  
Зи мўи **анбарафшон**аш муанбар.  
(Жомий)

Хусни ортар юзда зулфин **анбарафшон** айлагач,  
Шамъ равшанроқ бўлур торин паришон айлагач.  
(Навоий)

Зулфи мушкин туро дар боғ бар ҳам зад сабо,  
Ҷаъди сунбулро абиромезу **анбарбез**кард.  
(Жомий)

Мурод субҳи висолингни тийра қилмоқ эрур –  
Ки ҳажр шомин этар мушкпошу **анбарбез**.  
(Навоий)

Ба нохун ҳамчу гул рухсор меканад,  
Чу сунбул мўи **анбарбор** меканад.  
(Жомий)

Гул узра анбар ёйилди, зоҳир этгач ёр хат,  
Орази гулнор уза ким кўрди **анбарбор** хат.  
(Навоий)

Лирик тасвирнинг биринчи байтида “**анбарин**” лексемаси тун каби сочини ўриб, кўйлаги ёқасида “мушки Чин”ни сепган ёрни, иккинчи байтда йилнинг бир ойнанинг икки кунда қадр кечасида муродларни рўёга чиқариш каби абрукамонли ёрнинг гўзал чехрасида гесу хусуноролик касб этганлиги, учинчи байтда “**анбарафшон**” лексемаси ёрнинг кўйлаги эгидан узунроқ бўлиб кўзга кўринган хушбўйлик исини таратувчи тун каби соч (мўй), тўртинчи байтда хусннинг чиройига чирой улашувчи зулф, бешинчи ва олтинчи байтда “**анбарбез**” лексемаси оромбахш сабо таъсири ёрдамида мавжли тўлқўнланиши билан сумбул сочли ёрнинг толаларидан муаттар ҳид таратиши ҳамда ҳажр шомиди мушкпошлик анъналарининг боқийлиги ва бардавомийлиги, бешинчи ва олтинчи байтда “**анбарбор**” лексемаси сунбул каби гулюзли сиймода холу хатни намоён бўлиш маънолари мужассамлашган. Жомий ва Навоий томонидан қўлланган “**анбарафшон**”, “**анбарбез**”, “**анбарбор**” сўзларининг лексик-семантик ва морфемик жиҳатидан яқраглик касб этган. Бироқ мазкур лексемалар орасида дифференциация ҳодисаси мавжуд эмас. Жомий ижодида учрайдиган анбарбўй, анбаринтавқ, анбаринтуз, анбарогин, анбаромез ҳамда Навоий ижодидаги анбарбор, анбаролуд, анбарсиришт, анбарсо//анбарсой ўзакдош сўзларининг иккинчи компонентида янги сўз илова қилинганлиги боис улар орасида дифференциация кузатилади. Жомий “анбар”, “тавқ”, “туз” лексемалари орасида муаттарлик, хушҳидлик даражаланишини билдирувчи “ин” сўзлари иштирокида анбаринтавқ, анбаринтуз сўзларини шакллантириш ва қўллашга эришган бўлса, Навоий “бор”, “олуд”, “сиришт”, “со//сой” лексемалари билан янги кўриниш ва шаклга эга бўлган сўзлар иштирокида нутқнинг таъсирчанлиги ва бадиийлигини кучайтирган.

## SOCIAL AND BEHAVIORAL SCIENCES: LINGUISTICS

Ёқути чашму **анбаринтавқ**,  
Сар бар карда зи чанбари ишқ.

Абрўш камони **анбаринтуз**,  
Мижгонаш зи мушк тири дилсўз.

(Жомий)

Рухсори жонибидан ул холи **анбаролуд**,  
Ўт гўшасида анбар тушуб қилур дуд.

(Навоий)

Юқорида таҳлилга тортилган муштарак ва дифференциация хусусиятига эга бўлган “анбар” сўзи билан якраг ва турли хил компонентга эга бўлган лексемалар асл ва мажозий маъноси билан ёрнинг гўзал жамолига шинамлик касб этган зулфини, зимзиё тун каби қора соч (мў//мўй)нинг хушбўйлигини, хусноро рухсордаги хол тавсифи учун хизмат қилган. Тасаввуф адабиётида мўй (соch) “ҳақиқат, моҳиятни зоҳир қилмоқ”ни, “талаб йўли ва яна орифнинг “ҳаблулматин”и – мустаҳкам арқони, яъни Қуръони карим” маъноларида келиши хусусида қайдлар мавжуд [9].

Тожик ва ўзбек адабий тилларида “турра” лексемаси мавжуд бўлиб, у ҳар иккала тилда “зулф” лексемасининг маънодоши саналади. Жомий ва Навоий ижодида “турра” лексемаси мўи сар (соch), зулф, гесў; кокил, ўрилган соч, жингалакли соч маъноларини ифодаланган. Муштарак лексемаларнинг дифференциацияси шундаки, Навоий тожик адабий тили синтактик меъёрнинг имкониятларидан фойдаланиб, изофали сўз бирикма тузиш усули билан “турраи пурхам” сўз бирикмасини, Жомий “алоқай ҳамроҳи” (изофасиз) усули билан тузилиш жиҳатидан содда ва мураккаб саналмиш “турра афшондан”, “муанбар турра”, “муанбар мушкин турра” сўз бирикмаларини тузиб, мақсадни аниқ ва равшан баён этишига эътибор қаратган.

Сабо аз **турраш** нагсиста торе,  
Падида чашмаш аз сурма ғуборе.

(Жомий)

**Турра** марғулин очиб рухсори маҳ сиймоға соч,  
Тун саводи анбарин меҳри жаҳонороға соч.

(Навоий)

Навоийнинг юқорида келтирилган матлаъ билан бошланадиган ҳамда “Эй Навоий, умри жовид айлар эрсанг орзу, Бас ҳаётинг нақдини ул лаъли руҳафзоға соч” мақтаъ билан тугайдиган 18 мисрали ғазали ҳар бир байтининг иккинчи мисрасида учрайдиган ёрнинг сочи тавсифи ва ташбеҳига тегишли бўлган “меҳри жаҳонороға”, “гули раъноға”, “гавҳари яктоға”, “базми меҳросоға”, “дилбари тарсоға”, “дунёву мо фиҳоға”, “лаъли руҳафзоға” сўз бирикмалари поэтик нутқда риторик экспрессивликни кучайтирган. Ғазалдан бир байт:

Сарви гулрўйим қилур гулгашти гулзор, эй насим,  
Дам-бадам сориғ, қизил гул, ул гули раъноға соч.

XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида тожик ҳамда ўзбек адабий тилларининг сўзлашув, бадий услубларида “зулф”, “турра” лексемаларини қўллаш доирасига нисбатан икки хусусиятга эга бўлган. Фаоллик ва нофаоллик. Биринчи лексема Жомий ва Навоий замонида ва бугунги кунда нутқ услубларининг фаол лексемаси саналади. “Турра” сўзи эса – нофаол лексема. Бу жиҳатдан унинг эвазига нутқ услубларида “кокул”, “кокил”, “гесў”, “гесу” сўзлари ишлатилган. Лексикограф олими М.Муҳаммадиев “Луғати синонимҳои забони тоҷикӣ”да аслиятга алоқадор бўлган фикрини тўғри баён этган:

“– Калимаи **турра** дар забони адабиёти классикӣ яке аз серистеъмолтарин калимаҳо буда, дар рӯзҳои мо нисбатан камистеъмол гардидааст. Ҳоло ин калима баъзан дар адабиёти бадеӣ дида мешаваду холос. Баръакс, калимаи зулф чӣ дар

забони адабий ва чӣ дар забони гуфтугӯи серистеъмом аст” [1]. Жомий ва Навоий ижодида “зулф” сӯзи ушбу шаклда “аёлларнинг икки чеккасидан тушиб турган кокиллари” маъносида ҳамда “зулфайн” шаклда “икки ўрим соч, икки кокил”, инчунин “зулфиқор” тарзда “Ҳазрат Алининг икки дамли қиличи” маъносида қайд этилган. “Зулф” лексемасининг “тасаввуф адабиётида бир қанча маънолари бор. Жалолий тажаллий ва тариқат мушкilotлари; мутлақ жамол ваҳдатининг тўсилишига сабаб бўладиган жамолий тажаллий ва жамолий сифат; яширин моҳиятдурким, уни англаш ва идрок қилишга ҳеч ким қодир эмас; оламнинг ғаройиб суратлари, йўқлик олами” дея, таъкидланган ўн жилдлик Алишер Навоий тўла асарлар тўпламининг учинчи жилди таркибидаги “Айрим сўз ва ибораларнинг тасаввуфий талқинлари” сарлавҳа остида [9].

Ҳар иккала сўз санъатининг ижодида дифференциация ҳодисаси “зулф” ва бошқа сўзлар ёрдамида юзага келган зулфи самансой (Жомий ижодида; муаттар ва хушбўй гесу маъносида), зулфи соҳир, зулфи сунбул, зулфи тобдор, зулф тоби, зулф тори (Навоий ижодида; сеҳрловчи зулф, жозибали зулф; қоп-қора хушбўй соч; тобланган, ўрилган соч; соч ўрими; соч толаси маъноларида) сўз бирикмаларига зуҳур топганлигидадир.

“**Мушк**” сӯзи. Форс тилидан тожик ва ўзбек адабий тилларида ўзлашма сўз сифатида қабул қилинган, мутасаввуф олиму уламолар, дин арконлари, хожагон ва саидлар тариқати пешволари ижоди ва нутқида учрайдиган муаттарлик ҳидини таратувчи “мушк” лексемаси Жомий ижодида мазкур шаклда ҳамда мушкафшон, мушкбез, мушкбезӣ, мушбор, мушборкокулак, мушкбурқаъ, мушкбў, мушкин, мушкинкаманд, мушкинниқоб, мушкинрасан, мушкинрақам, мушкинтироз, мушкинхат, мушкинъузур, мушкинғазол, мушкинҳилол, мушкистон, мушкпўш, мушксой, мушкфом, мушкхат тузилиш ва кўринишда, Навоий ижодида мушкандуд, мушкафшон, мушкбиз, мушкбийд, мушкбор, мушкбў, мушкин, мушрез, мушксо, мушксой, мушкфишон, мушкфом тарзда кўзга намоён бўлади. Ушбу лексемалар ҳамда мушки азфар, мушки суда, мушки тар, мушки таторӣ, мушки тотор, мушки хитой, мушки Чин, хирмани мушкин, донаи мушкин, кокули мушкин, мушкин гесу, мушкин оху, мушкин парда бастан, мушкин тура, мўҳраи мушкин, турраи мушкин, хати мушкин, шаъри мушкин, қавси мушкин, қаъди мушкин, шоҳиди мушкинниқоб (Жомий ижодида), мушки ноб, мушки соро, мушки тар, мушки татор (мушки тотор), мушкин рақам, мушкин саҳоб, мушкин ҳилол, мушкрез бўлмоқ, кофур узра мушксой бўлмоқ, мушкфом қилмоқ (Навоий ижодида) сўз бирикмалари ҳамфикр-у ҳаммаслак устоз-шоғирд “эзгу фикр, эзгу амал, эзгу сўз” тамойилига амал қилиб, нотиклик маҳоратлари ила тожик ва ўзбек адабий тилларининг лексикология, лексикография, синтаксис илмларини тадрижий ривожланишига беқиёс ҳисса қўшган.

Айни дамда тожик ва ўзбек тилларининг сўзлашув ва бадий нутқидан истеъмомда бўлган “мушки анбар” сўз бирикмасини Жомий ва Навоий ижодида ҳамда “Фарҳанги осори Жомӣ”, “Навоий асарлари луғати”да учратмадик. Бироқ у “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да ўз ифодасини топган. Юқоридаги мисолларга назар ташлар эканмиз, улар орасидаги дифференциацияни маъно ўзгаришларда, юзага келган янги ва нотакрор маъноларда, қўшилган ёхуд танланган сўзларда кўрамиз. Фикримизнинг исботи сифатида Жомий ижодидан мушки таторӣ, мушки тотор ва Навоий ижодидан мушки татор (мушки тотор) сўз бирикмаларини танлаб, улар орасидаги дифференциацияни белгилаймиз. Мазкур сўз бирикмаларининг дифференциацияси Жомий ва Навоий томонидан татор лексемаси ёзувда иккита варианты (татор, тотор) борлигини маълум қилиниши, Жомий томонидан тожик адабий тилининг сўз яшаш имкониятларини назарда тутиб, татор лексемасига от сўз туркуми сўз ясовчи пасванди “-ӣ” ни қўшиб, “таторӣ” сўзини ҳосил қилганлиги, ушбу сўзни Тотористонда топиладиган ва тайёрландиган мушк маъносида, тотор лексемасини “мушки тотор” сўз бирикмаси кўринишида киноя санъати сифатида қора соч маъносида, Навоий томонидан мушки

## SOCIAL AND BEHAVIORAL SCIENCES: LINGUISTICS

татор (мушки тотор) сўз бирикмасини тоза ва энг хушбўй мушк маъносида келтирилганлиги аён бўлади.

Дусад табла пур аз мушки тоторй,  
Зи соро анбару уди қаморй.

Зи кофураш баромад мушки тотор,  
Зи субҳаш ошкоро шуд шаби тор.

(Жомий)

**Хулоса.** Хулоса қилиб айтиш мумкинки, луғавий-семантик, морфемик, синтактик ва таносуб жиҳатидан таҳлил этилган дифференцияли муштарак лексемаларни Жомий ва Навоий маҳорат билан ўринли ишлатилган, устоз-шогирд ижодидаги ҳар бир лексема алоҳидаликка ҳамда ҳамоҳангликда XV асрдан бошлаб, бугунги кунгача тожик ва ўзбек адабий тилларининг лексикология, лексикорграфия илмининг тадрижий ривожланиши ҳамда бойиб боришига кенг имконият яратган. Шунинг учун “анбар” лексемаси иштирокида “Фарҳанги забони тоҷикӣ”да ҳамда “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да 40 дан ортиқ сўз, юзга яқин сўз бирикмалари, “мушк” лексемаси воситасида 20 дан ортиқ сўз, 60 га яқин сўз бирикмалари учрайди. Ўрганиш ва тадқиқ этиш натижалари шундай гувоҳлик берадики, Жомий ва Навоий ижодида ўз ифодасини топган, шу билан бир қаторда нутқ услубларининг сўзлашув ва бадиий услубларида истеъмолда бўлган айрим лексема ва сўз бирикмалари “Фарҳанги забони тоҷикӣ”, инчунин, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” таркибидан тушиб қолган. Мазкур луғатларнинг кейинги нашрида Жомий ва Навоий ижодида учрайдиган, яъни тожик ва ўзбек тилларида ягона, муштарак маънони ифодаладиган лексема ва сўз бирикмалари киритилса, ҳар иккала тилнинг луғат миқдори янада ошган бўлар эди.

Жомий ва Навоий ижодида дифференция ҳодисаси ўзакдош сўзларнинг иккинчи қисми (таркиби)ни янги сўз билан бойитиш ва улар ёрдамида ранг-баранг маъноларнинг борлигини равшан этиш, азал-азалдан қардош ва қариндош бўлган тожик ва ўзбек халқларининг фонематик талаффуз ва урғуда миллийлик мавжудлиги, бир чашмадан сув ичиб, ҳамжиҳатликда умргузаронлик қилиб келаётган тожик ва ўзбек халқларининг сўз санъати соҳасидаги бойлиги, теранфикрлиги натижасида юзага келган.

## REFERENCES

1. O'zbek tilining izohli lug'ati. Birinchi jild. A - D. //A.Madvaliev tahriri ostida. 80 000 dan ortiq so'z va so'z birikmasi. - T.: O'zbekiston milliy entsiklopediyasi, Davlat ilmiy nashriyoti, 2006. - 680 b.
2. Huseynov X., Shukurov K. Lug'ati terminhoi zabanshinosi. - Dushanbe: Maorif, 1983. - 256 s.
3. Nurov A. Farhangi osori Ҷомӣ. Ҷildi 1. A - O. //Dar zeri tahriri V.A.Kapranov, A.Afsahzoda. - Dushanbe: Sarredaksiyai ilmii ensiklopediyai tojik, 1983. - 536 s.
4. Nurov A. Farhangi osori Ҷомӣ. Ҷildi 2. P - Ҷ. // Dar zeri tahriri V.A.Kapranov, A.Afsahzoda. - Dushanbe: Sarredaksiyai ilmii ensiklopediyai tojik, 1984. - 608 s.
5. Alisher Navoiy. Qomusiy lug'at. Ikkinchi jild. T -H. // Sh.Sirojiddinov tahriri ostida. - Toshkent: Sharq, 2016. - 408 b.
6. Majitova S.J. Jomiy g'azaliyotidagi ramziy istilohlarning lug'aviiy va majoziiy ma'nolarini talqin qilish usullari. Filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi avtoreferati. - Samarqand. - 50 b.
7. Muhammadiev M. Lug'ati sinonimhoi zaboni tojikii //Dar zeri tahriri M.Narzieva. - Dushanbe: Maorif, 1993. - 271 s.

**SOCIAL AND BEHAVIORAL SCIENCES: LINGUISTICS**

8. Farhangi tafsirii zaboni to'çikī. (Iborat az 2 çild). Çildi 1. A -N// Zeri tahriri S.Nazarzoda. Besh az 80 hazor vojavu ibora va tarkibhoi zaboni to'çikī. - Dushanbe: Pajyshgohi zaban va adabiyoti Rýdakī, 2008. - 950 s.
9. Alisher Navoiy. To'la asarlar to'plami. O'n jildlik. Uchinchi jild. G'azallar. - T.: G'afur G'ulom, 2011. - 764 b.
-